

**Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича**  
**ШАРТНОМА**

“01” 01 2022 йил

№ 8477-Мсон

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқарув Академияси ректори А.Ш.Бекмуродов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади) мазкур Шартномани кўйидагилар ҳакида туздилар:

**1-боб. Шартнома предмети**

1. Ижрочи саф бўлинмаси, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2-боб. Умумий шартлар**

2. **Буюртмачи** объектни қўриқлашга топширади ва “Қўриқлаш” эса ушбу вазифани кўйидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Чилонзор тумани қўриқлаш бўлими 3-отряд шахсий таркиби орқали 2 та 24 соатлик (соат 09.00 дан 09.00 га қадар) саф бўлинмаси пости билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Каримов кўчаси, 45-ий манзилида жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқарув Академиясини (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочи**га топширади, **Ижрочи** кабул киласди.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада қўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўрикномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жихозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиккан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жихозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда сокчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган қундан бошлаб, объектда \_\_\_ иш куни ичиди саф бўлинмаси қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш объектга \_\_\_ иш куни ичиди йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилган талабларни бажармагандан Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

### **3-боб. Тўловларни амалга ошириш**

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қўйидагича ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида кўриқлаш хизмати ҳисоб ва рақасига асосан (шартнома 1-илова ) тўловни амалга оширилади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун қолганда **ойлик тўловни 100 фоизи миқдорида** амалга оширади.

**Буюртмачи** бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг **100 фоизи миқдорида** тўловини кейинги ой бошланишидан **10** кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловини ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

### **4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **13. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

Ижроидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг хар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

#### **14. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20 \_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жихозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

хар қандай моддий қимматликларни обьект ҳудудининг девор тўсифидан \_\_\_\_\_ метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижроини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайta жихозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, обьект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқукини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки



кўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши хақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камидан \_\_\_\_ кун олдин огохлантириш;

объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу хакда Ижрочини огохлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриқлашга қабул қилинганилиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл кўймаслик;

кўриқланадиган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириши журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

маҳсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунинг қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт рақамларини ошкор қиласлик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

#### 15. Ижрочининг ҳукуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

#### 16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни гашкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланадиган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қуроласлаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар қўриш учун бериш;

қўриқлананаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган заарар тўғрисида туман қўриқлаш бўлимининг навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, туман қўриқлаш бўлими вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

## 5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тўлайди, бирор бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган заарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан заарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда заарар тўлиқ микдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган заарнинг микдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, заарар микдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган такдирда заарар микдори суднинг қарори билан аниқланади.


22. Қўйидаги ҳолларда Ижрочи заарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан заарар учинчи шахсларнинг жинойи ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка заарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан заарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда заарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.



## **6- боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар конун хужжатлари белгиланган тартибда Тошкент шахар туманлараро иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## **7-боб. Форс-мажор**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган карорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечикирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

## **8-боб. Якуний қоидалар**

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилгanda ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилгanda ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийdir.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қўйидагича белгиланади:

Ушбу шартнома 1 (бир) йил муддатга 2 (икки) нусхада тузилиб, биринчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармасига ва икkinchi нусхаси ҳўжалик юритувчи субъектга берилади. Ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи ҳўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижроига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқкан, капитал ёки жорий таъмиглашни талаб килса, бирок Буюртмачи буни рад этса, Ижрои Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни, белгиланган муддатда тўламаса, Ижрои мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюргачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огохлантирган холда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. **Буюргачи** алоҳида объектларни қўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **Ижрочига бир ой** олдин ёзма равишда маълум қиласди. (*Эслатма: Банк муассасаси бекор қилиши бўйича ҳукумат қарорлари ва юқори турувчи органларини фармойишлари асос бўлади*).

35. Тарафлар ўзлари тузган ҳўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

37. Ушбу шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг кучга киради ва 2021 йил 04 январь кунидаги №8477-М сонли томонлар ўртасида тузилган шартнома ўз кучини йўқотади.

## 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

### “ИЖРОЧИ”

Тошкент шахар Қўриқлаш бошқармаси  
Тошкент шахар, Марказ-4, Қашқар кўчаси, 3-ўй  
Х/р: 21 596 000 300 447 995 001  
МФО: 00014 ИНН: 202 628 856  
ОКОНХ: 97920  
Ўз.Р. Марказий банки Бош Бошқармасининг  
ХҚМ Тошкент шахар  
Тел: 71-234-49-24

### “БУЮРГМАЧИ”



Қ.А.Шодибеков

Тошкент шахар Қўриқлаш бошқармаси  
Чилонзор тумани қўриқлаш бўйими  
бошлиғи

А.Б.Кулдасов

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат бошқарув  
Академияси ректори

А.Ш.Бекмуродов



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси  
бошлиғи



К.А.Шодибеков

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани И.Каримов кўчаси 45-й манзилида жойлашган  
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси иншоотини  
қўриқлашда хизмат қилаётган Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Чилонзор тумани  
қўриқлаш бўлими саф бўлинмасини 2022 йил 01 январь кунидан моддий таъминлаш тўғрисида  
тузилган.

«РОЗИМАН»

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат бошқаруви  
академияси ректори



А.Ш.Бекмуродов

### ҲИСОБ-ВАРАҚАСИ

Қўриқлаш ойлари	Пост сони	Қўриқлаш вақти	Бир ойлик қўриқлаш вақти	Қўриқлаш пост/соат нархи	Жами
Январь	2	24	744	58304	86756352
Февраль	2	24	672	58304	78360576
Март	2	24	744	58304	86756352
<b>Жами</b>					<b>251 873 280</b>

**ЖАМИ:**

**251 873 280**

**Икки юз эллик бир миллион саккиз юз етмиш уч минг икки юз саксон сўм.**

Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси  
МИБ бошлиғи

Н.Н.Рўзибоев

Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси  
Чилонзор тумани қўриқлаш бўлими  
бошлиғи

А.Б.Кулдасов